

- *Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси қаерда?*
- *У денгиз сатҳидан қанча баланд?*
- *...Нақотки у номсиз бўлса?*
- *Уни «Истиқлол чўққиси» дея номлашни таклиф этамиз.*
- *Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси... Қанийди, у ерда Давлат Байроғимиз ҳилпираб турса!*

2-3-бетлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 3 ноябрь, сешанба • № 131 (24.368).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон — Қозоғистон:

Абадий дўстлик ва ҳамкорлик йўлидан

Хабар берилганидек, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 30-31 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу Қозоғистон раҳбарининг мамлакатимизга илк расмий ташрифи эди.

31 октябрь — ташрифнинг иккинчи куни Дўрмон қароргоҳининг мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари билан бошланди. Турли соҳалардаги ўзаро алоқалар кўламини кенгайтириш, хусусан, савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар музокараларнинг асосий мавзуси бўлди. Иқтисодий алоқалар, хусусан, ўзаро товар айирбошлаш механизмларини такомиллаштириш, жумладан, ҳисоб-китоблар ўз вақтида тўланиши сингари масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Эътиборга молик жиҳат — Ўзбекистон билан ўзаро савдо алоқаларининг ҳажми жиҳатидан МДҲ мамлакатлари орасида Қозоғистон олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Музокаралар сўнгида қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик тўғрисидаги Шартномага имзо чекдилар. Икки давлат раҳбарлари яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998-2005 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартномани ҳам имзоладилар.

Маросим ниҳоясига етгач, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда ўзбек ва қозоқ халқларининг анъанавий қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун Нурсултон Назарбоев Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофатланганини маълум қилди. Ислом Каримов Қозоғистон Президентига мукофотни тантанали равишда топширди. Қозоғистон Президенти Марказий Осиё мамлакатлари орасида илк бор Ўзбекистонда мана шундай юксак шарафга лойиқ топилганидан беҳад қувонганини айтиб, бунинг учун давлатимиз раҳбарига ва халқимизга мамнуният изҳор этди.

Шундан сўнг Президентларнинг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бошланди. Президент Ислом Каримов мазкур расмий ташриф давомидаги музокара ва фикр алмашувлар асосида муҳокама этилган сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларда томонларнинг қарашлари бир хил экани аён бўлганини айтди.

— Биз Қозоғистон билан икки томонлама ва шунингдек, Марказий Осиё иқтисодий алоқалари доирасида минтақавий манфаат касб этадиган муаммоларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга келишиб олдик, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Ислом Каримов халқаро доирадаги кўпгина муаммолар, жумладан, Ҳамдўстликни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилганини маълум қилиб, МДҲни жиддий ислоҳ қилиш лозимлиги, унинг фаолияти эса асосан аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилмоғи кераклигини айтди. Шунингдек, Афғонистондаги мураккаб вазият, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш жараёнлари юзасидан ҳам томонларнинг нуқтаи назари бир хил экани таъкидлаб ўтилди.

Ўрни келганда шуни алоҳида эътироф этиш керакки, имзоланган Абадий дўстлик ҳақидаги Шартнома янги юз йилликда ҳам мамлакатларимизаро икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш учун мустаҳкам замин сифатида хизмат қилади. Президентлар имзолаган иккинчи муҳим ҳужжат ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Булардан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ва ташриф асосида имзоланган бошқа муҳим ҳужжатлар ҳам икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини янада бойитди.

Матбуот анжуманида Қозоғистон Президенти ҳам ўз ташрифи ишонч ва томонларнинг бир-бирини ўзаро чуқур ва тўғри тушуниш руҳида ўтганини алоҳида таъкидлади.

— Мамлакатларимиз мустақилликни қўлга киритганига атиги етти йил бўлди, — деди жумладан Н. Назарбоев. — Бу муддат тарих олдида мисли бир сония. Лекин шу қисқа давр ичида халқларимиз илгари ҳеч қачон гувоҳ бўлмаган ўзгаришлар, янгиланишларни қўлга киритдики, ортда қолган етти йил ана шулар билан ғоят қимматли ва қадрлидир. Н. Назарбоев Қозоғистон ва унинг халқи абадий дўстлик, қардошлик ва биродарлик тамойилларига ҳамиша содиқ қолишини айтиб, ички ишларда ҳам, халқаро майдонда ҳам дўст мамлакатлар ҳар доим бир-бирини қўллаб-қувватлашини, бу эса ҳар икки мамлакатнинг туб манфаатларига хизмат қилишини айтди.

Президентларнинг журналистлар билан учрашуви саволжавобларга бой бўлди.

Ислом Каримов, жумладан, «Озодлик» радиоси мухбирининг Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг бугуни ва истиқболига оид саволига жавоб берар экан, Марказий Осиёда ер усти ва ер ости бойликлари мўллиги, буни яхши билган айрим ғаюр кучлар мазкур минтақада ўз манфаатларидан келиб чиқиб, империяпарастлик мақсадларини амалга ошириш ниятидан бутунлай воз кечиш жараёни секинлик билан бораётганини таъкидлади.

— Очиқ айтиш керакки, — деди Президентимиз, — империяпараст кучларнинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан 7-8 йил олдинги эскичасига қараш қайфиятлари ҳали тўла барҳам топмаган. Ўз-ўзидан аёнки, бундай қарашлар мавжуд экан, ўртада муаммолар, тушунмовчиликлар келиб чиқиши тайин. Биз мустақил мамлакат сифатида ҳамма давлатлар билан тенг муносабатда бўлиш тарафдоримиз. Бизга нисбатан муносабатда ҳам фақат ана шундай қараш бўлиши лозимлигини талаб қиламиз. Мен илгари ҳам айтганман, ҳозир буни яна такрорлайман: ортимиздаги кўприклар аллақачон бузиб ташланган — ортга қайтиш йўқ. Биз мустақиллик ва тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлайверамиз. Лекин шуни ҳам айтишим керак: кейинги пайтларда айрим сиёсатчиларда эски қолиплар асосида яшашга қайтиш қайфияти кучаймоқда - буни кимдир сезаяпти, кимдир сезмаяпти. Биз бундай қарашларга ўз вақтида зарба беришимиз керак. Шу каби ва халқаро майдондаги бошқа масалаларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб сиёсат юргизар экан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкам туради.

Матбуот анжуманида коммуникация лойиҳалари, айниқса, ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга оширилиши жараёнига ҳам тўхтаб ўтилди. Маълумки, ушбу лойиҳада ҳар икки давлат ҳам иштирок этмоқда.

— Коммуникация масаласини тўла ҳал этиш ва шу тарика жаҳон бозорига чиқиш Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан биридир, — деди жумладан, Ислом Каримов. — Янги-янги коммуникация йўналишларига чиқиш — стратегик мақсадларимиз сирасига киради. Эртанги кунимиз, иқтисодий мустақилликни таъминлаш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Яқин вақтларгача бизда фақат ягона коммуникация — жаҳон бозорига шимол орқали чиқиш йўлигина бор эди. Бугун фахр билан айтсак арзийдики, биз жаҳон бозорига йўл топдик ва топаяпмиз. Ана шу коммуникациялардан бири, шубҳасиз, ТРАСЕКАдир. Икки йилдан бери бу лойиҳани амалга ошираяпмиз. У орқали юк ташиш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу лойиҳа Марказий Осиё бозорига қизиқаётган кўпгина мамлакатлар, шунингдек, Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланмоқда. ТРАСЕКА йўли Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё билан боғланганидан сўнг бу лойиҳа мутлақо янги куч ва янги мазмун касб этади. Биз буни «Шанхай-Париж йўли» деб атаймиз. Ана шунда Европа мамлакатлари Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бозорига анча қулай ва нисбатан қисқа йўл билан чиқиш имконига эга бўлади. Ва, аксинча, Хитой ҳамда Жанубий-Шарқий Осиёдан биз, яъни Марказий Осиё, кейин Каспий, сўнгра Кавказ орқали Европа бозорига йўл очилади. Мазкур йўлда автомобиль транспорти ҳозир ҳам қатнаб турибди. Бу борада фақат темир йўл билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш қолган, холос.

Матбуот анжуманида Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев ўз юртига жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга қисқача интервью берди.

— Мен ўз халқим ва қардош ўзбек халқини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бирга имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги Шартнома билан чин қалбимдан қутлайман, — деди Н. Назарбоев. — Бу нафақат бугунги кун, балки эртанги авлодларимизнинг қон-қардошлик анъаналарини давом эттириб яшамоғини асослайди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатларининг Истиқлолга эришганига 7 йил тўлди. Бизни дунё таниди ва қадрлайдиган бўлди. Биз янги, мустақил иқтисодиёт ва сиёсатни шакллантирдик. Албатта, ўтиш даври осон кечаётгани йўқ. Аммо, Истиқлол халқларимизнинг эрксеварлигини ўзига қайтарди. Ота-боболаримизнинг азалий орзулари ушалди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ўз ватанларим — ўзбек халқига энг эзгу ниятларимни, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман. Қозоғистон халқини қандай суйсам, ўзбек халқини ҳам шундай суяман. Икки элнинг бирлигига, дўстлигига умрим борича хизмат қиламан, деб айтгим келади.

Тошкент аэропортида Қозоғистон Республикаси Президентини давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кузатиб қайтди.

Шундан сўнг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.

— Ўзбекистоннинг ҳам, Қозоғистоннинг ҳам мустақил давлат сифатида мана шундай учрашувлар ўтказиб туришида катта маъно бор, — деди мамлакатимиз раҳбари журналистлар саволига жавоб берар экан. — Собиқ иттифоқ даврида ҳам бундай учрашувлар кўп ва хўп бўлар, дўстлик ҳақида ҳар хил баландпарвоз гапсўзлар айтилар эди. Бугунги учрашувларимиз тамоман янги тизимда, янги шароитда, янги вазиятда кечгани ва унда кўрилган масалаларнинг нечоғлик муҳимлиги билан ўтганларидан кескин фарқ қилади. Биз ўзаро алоқаларимизга жиддий кўз билан қарамоғимиз керак. Ўзаро фикрлашувларимиз, давлатларимиз олдида турган масалаларнинг илдизларига чуқурроқ етиб боришга ҳаракат қилганимизнинг боиси ҳам шундадир.

Мамлакатларимиз мустақилликнинг еттинчи йилини ортда қолдирди. Айни пайтда мустақиллигимизни ва халқларимизнинг ўзаро тотувлигини кўролмайдиган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар қандай бўлмасин, икки халқ орасига нифоқ солишга ҳаракат қилади. Маълумки, Марказий Осиёда 55 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Унинг 24 миллиондан кўпроғи Ўзбекистонда яшаса, Қозоғистондаги нуфус 15,5 миллион кишини ташкил этади. Қолган уч мамлакат ҳиссасига қарийб 15 миллион киши тўғри келади. Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, бу икки давлат салоҳияти, имкониятлари, куч-қудрати Марказий Осиёда ҳар қандай муаммони ечишда катта аҳамият касб этади. Шу боис давлатларимиз мавжуд муаммоларни ечишда бир ёқадан бош чиқарса, ўйлайманки, ҳаммаси яхши бўлади.

Президент Ислом Каримов минтақа ҳавфсизлиги тўғрисида ҳам тўхталиб, жумладан, бундай деди:

— Биз қўшниларимиз билан аҳил бўлишимиз, ўзаро ҳамжиҳатликда сиёсат юргизишимиз лозим. Буни айниқса, ёшларимиз яхшилаб англаб олмоғи зарур. Биз нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда ҳам барқарорликка эришмоқчи бўлсак, яна бир бор айтаман, қўшниларимиз билан тинч-тотув бўлмоғимиз керак. Мисол учун, жанубдан бизга бўлаётган таҳдидларга ўзаро ҳамкор бўлиб, биргаликда қарши турмоғимиз даркор. Ўзбекистон ва Қозоғистондек давлатларнинг Марказий Осиёдаги, қолаверса, дунё ҳамжамиятидаги салоҳиятини ҳисобга олсак, биз ўз барқарорлигимизни ҳам, минтақамиз ҳавфсизлигини ҳам таъминлашга кучимиз етади.

Давлатимиз раҳбари ўзбек ва қозоқ халқларининг тотувлигига раҳна солишга уринаётган айрим сиёсий кучлар борасида тўхталар экан, бунга мисол тариқасида Россиядаги айрим матбуот воситаларининг Тошкент ва Остона ўртасидаги муносабатларда қандайдир совуқлик ҳолати кузатилаётир, деган мазмунда уйдирма гаплар тўқиб чиқарганини айтди.

— Бундай уйдирмалар халқларимиз иноқлигига путур етказишни исташдан бошқа нарса эмас, — деди суҳбат пировардида Ислом Каримов. — Қўшни Оллоҳ томонидан берилади. У билан тинч ва тотув яшаш керак. Қўшнилар ўртасида ҳамиша ўзаро ҳурмат бўлмоғи лозим. Ўйлайманки, бизнинг учрашувларимиз ҳам ана шу каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Шундай қилиб, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоевнинг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф, томонлар мамнуният билан таъкидлаганларидек, жуда самарали бўлди.

Шуҳрат УМИРОВ,
Аброр ҚИЛИЧЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Эл-юрт одатлари, анъаналари муқаддасдир

Тўй-ҳашамларга, оилавий тантаналарга, маъракa ва маросимларга — биз ҳам масъулмиз

Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси фаолларининг МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз юртдошлар!
Муҳтарам маҳалла раислари, фидойи фаоллар!
Азиз ва мўътабар отахонлар ва онахонлар!
Нурли келажак соҳиблари — марду-майдон ўғил-қизларимиз!

Тақдирга шоён таҳсинлар бўлсинким, Ўзбекистон Мустақиллигининг беназир афзалликларини барча жабҳалардаги туб ижодий ўзгаришларда, тарихий юксалиш, янгиланиш ва тикланишларда аён кўриб турибмиз.

Энг муҳими, йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик, осойишта яшаш, яратувчилик меҳнати билан шуғулланиш, тўй-маъракаларни, ҳайиту ҳашарларни яйраб-яшнаб ҳамжиҳатликда, орзу-ҳавасла ўтказиш, эмин-эркин эътиқод қилишдек фарахбахш муҳит яратиб берилгани билан ҳар қанча ифтихор этсак арзийди.

Мустақил Ўзбекистонимиз дунёга юз тутмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг турли давлат ва етакчи тузилмалари билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилмоқда, диёримизда фуқароларимизга муносиб, фаровон ҳаёт тарзини таъминлайдиган мустақил, ҳуқуқий, миллий, демократик фуқаролик давлати бунёд этилмоқда.

Таассуфки, айни вақтда баъзан эзгулик, ҳимоя йўлидаги зафарли одимларимизни, саъй-ҳаракатларимизни, илдам ривожланиб, тараққий этиб бораётган Ўзбекистонимизни, адолатли, ўзига хос оқилона ташқи ва ички сиёсатимизни туб инсонпарварлик моҳиятини чуқур англаб, қадр-қимматига етолмаётган ёки кўролмаётган, атайлаб уни сусайтирмоқчи бўлаётган, бегоналарнинг ҳаром луқмасига илиниб, зарарли ишларга қўл ураётган, ўзини йўқотган, оёғи ердан узилган кимсалар ҳам учраб қолмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда эълон қилинган, халқимиз диққат қилаётган долзарб масалага қаратилган Фармонида жуда тўғри кўрсатилганидек, кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўяётган, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимай, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмай эскидан қолган асоратларга ёпишиб олган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорлар, пулдорлар соғлом турмуш тарзимизга доғ туширмоқдалар. Улар ўзларининг номақбул ҳаракатлари билан маҳаллаларда, истиқомат жойларида яхши муҳитнинг бузилишига сабабчи бўлмоқдалар, оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқдалар, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига бўлган ишончига зиён етказмоқдалар. Энг ҳунуги, ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ўтакетган дабдабали равишда ўтказиб, ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русмларимизга путур етказмоқдалар, муқаддас анъаналаримизнинг обрўсизланишига сабабчи бўлмоқдалар.

Шу боис ҳаммамиз, умримизнинг кўп қисми ўтадиган маҳаллаларда ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳушёр турмоғимиз, истиқлолни мустаҳкамлаш, унга гард юқтирмаслик йўлида қўлимиздан келганича ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор.

Нафсга берилиб, исрофгарчиликка йўл қўяётган, мол-дунё орттириш учун амал кетидан қувишни ўзига касб қилиб олган, ҳақ йўлдан озганларга қарши муросасиз бўлмоғимиз, жамоа ва жамият манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилишимиз лозим. Ҳар бир маҳаллада она юртимиз манфаатлари йўлида халқ ва миллат эҳтиёжи учун қайишиш, тартиббузарларнинг режаларига қарши қалқон бўлиб туриш виждоний бурчимиздир. Фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатларини устувор тутган ҳолда фаолият кўрсатиш асосий йўлимиздир. Мамлакатимизда бугун фаолият кўрсатаётган 12 мингга яқин маҳалла атрофига уюшган аҳли жамоа ўлкамизда амалга оширилаётган улуғвор режаларга, эътиқодий қадриятларимизни, шарқона юксак ахлоқ-одобимизни, чин инсоний, холис муносабатларни тиклашга, ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига тилакдошмиз.

Маҳаллалар — ҳамиша жамиятни тўғри йўлда тараққий эттиришда камарбаста бўлиб келган, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бунда маҳалла раисларининг, оқсоқолларининг ўрни, масъулияти ниҳоятда катта, мураккаб. Яқинда ўтказилган шаҳодат синови шуни кўрсатдики, маҳалладошлари сайлаб келган асосий кўпчилик раислар бу вазифаларни ўташга қодир зотлардан иборат. Афсуски, шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидек, баъзи маҳалла оқсоқоллари ўз мансабларида юзакичиликка йўл қўйганликларини, ўз билим ва малакаларини ошириш тўғрисида қайғурмасликларини, лавозимларини суиистеъмол қилганликларини, молия интизомини бузганликларини ҳам кузатамиз. Энг ёмони, маҳаллаларда айрим раисларнинг амалдаги қонун-қоидаларда белгиланган асосий вазифаларини бажаришдан ожиз бўлиб сўзлари ўтмай қолганлигини, юқоридагидек иллатларнинг илдиз отишига йўл қўйилганлигини кўрамиз. Келинг, азиз дўстлар, катта ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлган инсонпарвар, ҳалол, холис, адолатли кишиларни ижтимоий фаолиятга кенгроқ жалб этайлик. Бу тадбир умумий манфаатларга мосдир.

Эзгу қадриятларимиз, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни тиклаш, ҳурмат қилишга қаратилган янги Фармонда белгиланган вазифаларни тўла амалга оширилишига эришайлик. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат ташкилотларининг иш фаолиятларини маҳаллалар билан янада узвий боғлаган ҳолда олиб боришларига кўмаклашайлик.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла шу азиз Ватан фидойиларининг масканига айланишига Президентимизни астойдил ишонтирамиз.

Маҳалла йўли — эзгулик, ҳиммат ва адолат йўлидир. Имонимиз комилки, мустақилликнинг ўтган йиллари давомида рўй берган буюк ўзгаришлар истиқболда ҳам, иншооллоҳ зиёда бўлади.

Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси фаоллари номидан:

Аъзамжон АБРОРОВ — Наманган вилояти Поп тумани «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Олий Мажлис депутати.

Икромжон АШРАБИЕВ — Андижон вилояти Андижон туманидаги Экин-тикин маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Шарофат ВАФОЕВА — Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Сотволди МУСТАФОЕВ — Нукус шаҳридаги 4-маҳалла оқсоқоли.

Расул РАҲМОНОВ — ёзувчи, фахрий жамоатчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Саиднаби САИДКАРИМОВ — Тошкент шаҳар Беруний номли маҳалла оқсоқоли, доцент.

Хислат СОДИҚОВ — «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси раиси.

Ҳабибахон УСМОНОВА — Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Тагоб» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Олий Мажлис депутати.

Бу дунёнинг ишлари

Янги электрон станция

Хитой ва АҚШ махсус хизматлари ХХР жанубидаги «Олтин учбурчак» дея номланган ҳудудда наркотик моддалар ташишни назорат қилувчи янги махфий электрон станцияни барпо этдилар. Сайёр станция Бирма билан чегарадаги Юньнан вилоятининг Жуйли шаҳрида ҳаракатда бўлади. Бу «икки мамлакат махсус хизматларининг ҳамкорликдаги жиддий қадами» дея баҳоланмоқда.

Ташвиш билан кутиб олинди

Ироқ раҳбариятининг шу йил Ироқ ҳудудида БМТ махсус комиссияси фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қарори Москвада ташвишли кутиб олинди. РФ Ташқи ишлар вазирлиги ахборот ва матбуот департаментининг изоҳига кўра, бундай қадам Ироқ муаммосини ҳал этишни номаълум муддатга кечиктиради. Бағдод бундай йўлни яна бир карра мулоҳаза қилиб кўриши зарур, дея шарҳлайди Москва кузатувчилари.



Париж опера театри

Черногориянинг расмий мақоми

Черногория Президенти Мило Жуканович, шу кунларда урушдан кейинги давр мобайнида мамлакатга энг жиддий хавф туғилди, деб баённот берган. Унинг сўзларига қараганда, харитада Черногория Югославия таркибидаги автоном республика бўлиб қолишига чидаб бўлмайди. Баённотга кўра, Жуканович «серб гегемонистлари» дея аталган гуруҳ Черногориянинг Югославия федерацияси таркибида ёки унга бўйсунувчи субъект бўлиб қолиши тарафдорларидир.

Кутубхоначилар иш ташлади

Парижда янги миллий кутубхона хизматчилари ўз маъмуриятларининг ўн икки кун олдин бошланган иш ташлашни тугатиш ҳақидаги чақириқларини рад этдилар. Кутубхоначилар меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб этмоқдалар. Улар, жумладан кутубхонадаги компьютер тизимидан шикоят қиладилар. Компьютерлар туфайли мижозлар кун бўйи бино ташқарисига чиқмасликлари мумкин эмиш. Бу эса кутубхоначилар учун қўшимча меҳнат талаб қилади.

Бу дунёнинг ишлари

Узбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 3 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	67,23	1 Норвегия кронаси	14,73
1 Австрия шиллинги	9,26	1 Польша злотийси	31,36
1 Англия фунт стерлинги	180,02	10 Португалия эскудоси	6,38
10 Бельгия франки	31,57	1 Сингапур доллари	66,31
1 Голландия гульдени	57,73	1 СДР	151,16
10 Греция драхмаси	3,84	1000 Туркия лираси	0,37
1 Дания кронаси	17,15	1 Финляндия маркаси	21,45
1 БАД дирхами	29,22	1 Франция франки	19,39
1 АҚШ доллари	107,33	1 Швеция кронаси	13,87
1 Миср фунти	31,40	1 Швейцария франки	79,77
1 Ирландия фунти	162,18	1 ЭКЮ	128,12
1 Исландия кронаси	1,55	10 Жанубий Корея вони	0,82
10 Испания песети	7,66	10 Япония иенаси	9,35
100 Италия лираси	6,58	1 Россия рубли	6,68
1 Канада доллари	69,60	1 Украина гривнаси	31,31
1 Хитой юани	12,97	1000 Белорусь рубли	1,86
1 Қувайт динори	360,17	1 Латвия лати	188,58
100 Ливан фунти	7,15	1 Литва лити	26,83
1 Малайзия ринггити	28,25	1 Молдова лейи	16,77
1 Германия маркаси	65,17	1 Қирғизистон соми	4,40

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ижтимоий соҳа ходимларининг муҳим вазифаси

Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий мажмуининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликнинг олдини олишга доир Фармонининг ижросига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов бошқарди.

Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Гулямова, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А. Баҳромов, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш. Жалилов ва бошқалар мажлисда сўзга чиқиб, Президентимизнинг ушбу Фармони жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ҳужжат эканини таъкидладилар. Унда кўрсатилган иллатлар кўп жиҳатдан ижтимоий соҳа ходимларининг бепарволиги, аҳоли ўртасида изчил иш олиб бормаганлиги, серҳашам ва салбий тус олаётган маросимларнинг мамлакат осойишталигига етказиши мумкин бўлган зиёнга вақтида тегишли баҳо бера олмаганликлари натижаси экани қайд этилди.

Фармонда белгиланган вазифаларни бажаришда кампаниябозликка йўл қўйиб бўлмаслиги, бу борадаги ишлар барча маънавий-маърифий идора ва ташкилотлар фаолиятининг доимий ва устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Халқ урф-одатларига беписандлик билан қараётган мансабдор шахсларга нисбатан жамоатчилик таъсирини кучайтириш лозим. Ҳар бир шаҳар ва туманнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, тўй ва маросимларни ўтказишнинг мақбул тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор бермоқ даркор. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Н. Жўраев, А. Мансуров иштирок этди.

(ЎзА)

Хатлар, хатлар, хатлар

Тадбирлар белгиланди

Тўй — азал-азалдан маърифат ўчоғи, ўзига хос удум ҳисобланиб келинган. Ўғил тўйми, келин-куёвлар тўйими, барибир, ўзига яраша меъёри бўлган. Ортиқча дабдабабозлик ҳеч кимга шуҳрат келтирмайди. Айни вақтда ўртаҳол кишининг камтарона тўйини ҳеч ким камситмаган. Муҳими, тўйда халқимизнинг, элимизнинг ўзлиги намоён бўлади.

Мамлакатимиз Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишга оид Фармони ўзига хос дастуруламал бўлди. Фармон асосида туманимиз ҳокимлигида барча қишлоқ маҳалла йиғинларида тегишли тадбирлар ишлаб чиқдик. Бунга қатъий амал қиламиз.

Нишонбой ҲОТАМОВ,
Нуробод тумани ҳокими ўринбосари.

Божхонада йиғилиш

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси, генерал-майор Ўткир Комилов бошқарди. Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида бажарилган ишлар ҳамда олдинда турган долзарб вазифалар муҳокама этилди. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган Фармонига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқариш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни юзасидан Давлат божхона қўмитасида амалга оширилган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Ҳайъат йиғилишида муваффақиятлар билан бир қаторда мавжуд нуқсон ва камчиликлар ҳам ўрганилиб, улар қаттиқ танқид остига олинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Абдумўмин ТИЛОВОВ,
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Даллол кўп бўлгач...

Чортоқ туманида Пешқўрғон бозори эндиликда эгалари кўчиб кетган хонадонга ўхшаб ҳувиллаб қолди. Сабаби, мол бозоридаги даллоллар ўзлари ҳудди камдек шогирд тайёрлаша бошлашди шекилли. Бозорқўмлар сотилган, сотилмаган молдан, сотувчилардан «жой ҳақи», «мол ҳақи» дегандай «мулла жиринг» йиғишга тушишди. Натижада, мол бозори Бекобод бозорига кўчди-ю кетди. Бозордан файз кўтарилди. Одамлар олисга қатнайдиган бўлдилар. Узоқ йўлга қатнагани учун бир одам говмишини судрайвериб чарчаган эмиш. Олис бўлгани учун Абдурайим аканинг совлиқлари қорни пасайиб арзон сотиляпти эмиш. Ҳатто эшак бозорида ҳам «фаолият» кўрсатадиган даллоллар ширинкомасиз қоладиган бўлишди. Энди, Пешқўрғонга одамларни чақириш учун «жой ҳақи»ни арзонлаштиряптилар. Ана сизга, тўйдан кейин нағора...

Шукур ЖАББОРОВ

Кучай десам — қучоғим етмас

Ватан тоғлари, қуёшга талпинган чўққилар — қамровига хаёл ожиз қоладиган юксакликлар!.. Бу тоғларнинг ҳар тошида дунё қадар ҳикмат яширин. Бу тошларнинг ҳар заррасида юз-юзлаб авлиёларнинг назари зоҳир. Бу хасларнинг ҳар бўғинида неча-неча азизларимизнинг руҳи барқ уриб яшнайди. Ватан дарёлари... Ў, уларнинг тўлқинларида асрлар хас мисоли чайқалибон оқди. Ватан дарёларининг мавж-беланчагида не-не баҳодирлар, жасурлар улғайди. Бу дарёларга не-не гўзаллар, фаришталар қароқаро кокилларини солган экан? Бу дарёлар сувдан пок, тонгдан бокира неча-неча ҳурлиқо келинчакларни, ҳаё ва иффатга, номус ва орга либос каби ўранган неча-неча ойжамол қизларни бадбин назарлардан, чиркин қўллардан яширган экан?

Яратган юртимизни бир-бирига ўхшаган ва бир-бирига ўхшамаган тоғлар билан музайян қилган. Бу тоғлар, бу тошлар, бу дарёлар, ирмоқлар ўлкамизнинг чиройи, кўрки, бойлиги. Булар фақат гўзаллик эмас — Ватан, Ватаннинг бир бўлаги. Булар фақат Ватан ёки Ватаннинг бир бўлаги эмас, балки жонимиз, тириклигимиз, иймон-эътиқодимиз. Тоғларда ётган оддий бир тошга тил битганида эди, у бутун-бутун китобларга сиғмайдиган достонлар сўйлаган бўларди.

Ватан булоқлари... Бундан тоза нима бор? Кийикларнинг кўзидек тиниқ. Ўн саккизга бугун тўлган қизнинг ой жамолидек беғубор! Бу булоқларга қараб не-не гўзаллар соч тарамаган!

Ватан шаршаралари... Уларнинг чархида гулмоҳидек нозик, ингичка балиқлар ҳам қайроқ-тошдек қайралиб кетган. Ватан шаршараларидан сув ичган бургуту лочинлар юлдузу ойларни кўзлайди. Бу шаршараларнинг афсун ва домида тошлар ҳам балиқлардай сузади. Ўткир ҳиди нафақат димоқни, юракни ҳам тарс ёрадиган чечаклар, ўтлар шу шаршараларга чирмашиб, қояларга талпиниб ўсади.

Ватан тоғлари... Ватан дарёлари... Ватан шаршаралари... Ватан булоқлари... Қучай десам, қучоғим етмайди.



Сангардак шаршараси

Тоғлар қуршовида

Тоғлар йўлга чорлади бизни. Ҳисор тоғ тизмалари. Ёлғизоёқ йўл. Сўқмоқ. Бу сўқмоқнинг бошланиши ҳам, охири ҳам кўринмайди. Биз ўз меҳнат таътилимизни шу тоғлар, шу чўққиларда кезишга, юртимизнинг энг юксак чўққисини забт этишга бағишладик.

Ўзбекистоннинг энг баланд чўққилари... Бу чўққилар кўпдан бизни ўз бағрига тортади. Уларни ишғол қилмоқчи бўлган бизнинг юрагимизни Ватаннинг энг юксак чўққилари ўз сир-синоати, сеҳру жозиби билан ишғол этиб қўйганди. Бутун ўй-хаёлимиз юксак чўққи жамолини кўриш иштиёқи билан ёнарди. Билардик, коинот маъвосида абадиятнинг суврати, вақтнинг ҳайкали янглиғ қотган қоялар қошида биз, бизнинг кундалик ташвишларимиз нақадар майда...

Инсон ҳамиша юксак орзулар қанотида яшайди. Биз юксак чўққини забт этишни кўнгилга тукканмиз. Буни сафар деса ҳам, саёҳат деса ҳам бўлади. Лекин, бу энг аввало Ватанни ўрганиш, Ватанни билишга бўлган интилишнинг ҳосиласидир. Боиси, бу оддий чўққи эмас, юртимизнинг бир бўлаги. У ўз салобати билан халқимиз қалбига ғурур, жасорат, мардлик бахш этиб туради. Энг аввало, юртимизга шундай тоғ, шундай чўққи ато этгани учун Яратганга шукроналар айтишимиз лозим. Ахир, на тоғи, на чўққиси бўлган халқлар ҳам оз эмас-ку рубъи маскунда.

Чўққилар асов табиатнинг барча бало-қазоларини биринчи қаршилайди. Довул, бўронларни тўсади. Халқимизнинг ўз чўққилари, ўз тоғлари бўлгани каби тоғларимизнинг ҳам ўз чўққилари бор!.. Бургут ҳамиша энг юксак чўққини кўзлайди. Бургут халқимиз ҳам!..

Йўл, йўловчи ва йўлбошловчи

Сариосиёда Нор ака деган киши бор. Довруғи воҳага кетган. Тоғларни шеър каби ёд олган десак, лоф бўлмайди. Ҳар сўқмоқ, ҳар булоқ, ҳар қояга қон-қариндош, оға-ини.

У бизга йўлбошловчилик қилди.

Қишлоқда қорамағиз, гапдон, шўх, текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган бола бўлар, ўйинқароқлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турар, бўлса-бўлмаса тоққа чиқиб кетаверарди. Аста-секин тоғ-тошларга ўрганиб қолди. Бургуту какликлар, ҳилолу юлдузлар билан ака-ука тутинди.

Назар бобо ён-атрофга донг таратган. Унинг ўктамлиги, чапдастлигига кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Бир куни бола Назар бобога эргашиб қолди. Бобо милтиқни олиб, патронбоғни белига боғлаб, ов халтани орқасига илиб, тоққа тушиб бораётганди. Ортидан эргашиб, тўхтамай келаётган болага, эй бола, бор, уйингга бор, қоронғида тоғда сени бўрилар еб кетади, деб дўқ урди, ота-онанг қидириб қолади, деб тушунтирди, бўлмади. Гўё бола ҳеч нарса тушунмасди. Қайсар болага тош отиб ҳайдади, итдан ҳам баттар экансан, итни ҳам ҳайдасанг, урсанг-сўксанг кетади, деди. Бола ҳар тош отилганда нарироқ кетар, кейин яна эргашиб бораверди. Хуллас, ўша куни бобо болани ўзи билан биринчи марта тоққа олиб чиқди. Кечқурун чопонининг ўнгирига ўраб, совуқ қотиб қолмасин деб, бағрига босиб ётди. Бобо унча-мунча одамни ўзига тенг кўрмас, менинг синовларимга дош беролмайди, деб ўйларди. Лекин мана шу болакай қаттиққўл кексанинг ишончига кирди. Аста-секин иккиси бир-бирига боғланиб қолди. Устоз-шогирд бўлди.

Ўша қайсар бола бугун машҳур. Уни Нор ака дейдилар. Нор ака бугун бизга йўл бошлаб бормоқда.

Кечув

Тоғ ён бағрида майда баргли, ўртача катталикдаги олма дарахтича келадиган сийрак дарахтлар ўсган. Назар бобо, 75 ёшли кекса шу дарахтларнинг бирига жуда чаққонлик билан чиқиб олди. Кичик бир бутани синдириб тушди.

— Бу дарахт татум, — деди у. — Фақат шу ерда ўсади.

Дарахтнинг майда-майда, тукли, зич мевалари бор экан. Барг ва мевалари ҳар томонга эмас, варақ қоғоздай бир текис ўсган.

— Меваси шамоллашга, гриппга даво, — деди Назар бобо. — Меваси сидириб олинади-да, шимилади. Суюқ овқатга ҳам солиш мумкин.

Биз майда, тукли меваларни оғизга солдик. Шимилган сари шўртоб, хуштаъм мазаси чиқди. Таъми қолмагач, меванинг донаси тупуриб ташланаркан.

Сангардакка чиқиш йўли тор. Нотекис. Кескин муюлишлар кўп. Бир томони тошқин ўпирган жар. Машина қийналиб ўрмалайди. Машинадагилар ҳам чўчийди.

Баҳордаги тошқинлар Сангардак дарёсининг эски бир кўпригини бузиб кетгач, тол ёғочлари териб янги кўприк қурилган. Энсиз. Битта енгил автомашина зўрға ўтади. Ҳайдовчи негадир тор кўприкдан эмас, дарёнинг сув ёйилиб оқувчи кенг тошлоқ қисмидан ўтишни афзал билди. Машинадан тушиб, олдинги ғилдиракларни ҳам кучланишга қўшди. Машина секин сувга тушаверди. Биз энди нима бўларкин дея хавотир аралаш кузата бошладик. Ҳайдовчи тоғликларга хос мағрурлик билан, ҳозир сакраб ўтиб кетамиз, деб гапини ҳали тугатмаган ҳам эди, машина туриб қолди. Чамаси, ҳам олд, ҳам орқа ғилдираклари бараварига чуқурга тушган эди. Ҳайдовчи газни оширган сайин машина кўпроқ чўкаверди. Кабинага сув кирди. «Глушитель» карнайидан сув фавворадай отиларди. Машина сув йўлини тўсгани учун сув тобора юқорига кўтарилади. Биз энди сувнинг ўртасида қолдик, деган хаёл билан турганмиз, ҳайдовчи, мана энди қаранглар, деди-да, олд ва орқага чайқалаётган машинанинг маромини олиб бирдан газни босди. Машина баҳайбат қурбақадек сакраб-сакраб сувдан чиқиб кетди. Оғир мушкулотдан осон қутилгандек хурсанд бўлдик. Машинага кириб қолган сув оқиб тушади.

Биз чўққи сари йўлда давом этавердик. Энг баланд чўққилар ҳали олдинда!

Сангардак сайри

Сангардак шаршараси узоқдан кўзга ташланади. Девордек тик, осмонўпар қоялар бағрини ёрган сонсиз булоқларнинг типтиниқ кўз ёши шовқин солиб, шиддат ва тўполон билан пастга отилади.

— Бу сувнинг сири нимада?

— Сирини бир Олло билади...

— Бу ерларга кўп келишадими?

— Ҳатто чет эллардан, Америкадан ҳам келганларни кўрдим.

— Суви май ойидан июль ойигача кўпайиб, атрофни чиройли қилиб юборади. Шунда камарни ҳамма ёғидан сув чиқади. Шабадаси анау йўлдан ошиб ўтади. Сувлар Ҳасан-Ҳусан ёй тортади, одамлар сувнинг шамолидан қўрқиб, пастдан ёки узоқдан айланиб ўтади.

Сангардак — ноёб ҳодиса. Дунё мўъжизаларидан бири. Қиз сочидек эшилиб ётибди. Гўё сув томчилари эмас, балиқ кўзидек маржонлар, оппоқ тутдек марваридлар сочилаётганга ўхшайди. Тошлар, қояларга чирмашиб ўсган бахмал ўтларнинг илдизларию япроқчаларидан сув бир-бир томчилаб турибди. Тошларга урилиб синаётган сув зарралари ҳавога ёйилади.

Биз дунё мўъжизаларини кўриш, янги ҳаяжонларга берилиш учун баъзан минглаб чақирим йўл босиб, вақт ва маблағ сарфлаб чет элларга бориб келамиз. Аммо, унча-мунча гўзал жойларни кўрган кишилар сифатида айтишимиз мумкинки, Сангардак қаердан кам?!

Денгиз сатҳидан 3 минг метрдан ҳам баландроқ Сангардак шаршарасидан ҳовуч-ҳовуч сув ичиб, атрофни кузатамиз. Энг юксак чўққилар ҳали олдинда! Осмон билан талашиб, кўкка туташиб кетган чўққилар булутлар елканига беписанд улкан кемалардек тураверади. Олис-олислардан, туманлар орасидан энг баланд номсиз чўққи ғира-шира кўринади. Лекин унгача ҳали кўп узоқ!

«Ёмғир ёққандек сув томчилари...»

Ўрта асрда ўтган турк адмирали Сейди Али Раис машҳур денгизчи эди. Сейди Али Раис Миср флотилияси бошлиғи қилиб тайинланиб, Португалиянинг Сувайиш каналига юборилади. Сейди Али турк флотининг омон қолган кемалари билан Гужарот ва Шимолий Ҳиндистонга боради. У ердан Марказий Осиё, Эрон, Озарбойжон орқали Туркияга қайтиб келади. Унинг бу тўрт йиллик сафари Бобурнинг ўғли Ҳумоюн (1530-1556) яшаган йилларга тўғри келади.

«Ўлсам айрилмасман

- *Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси қаерда?*
- *У денгиз сатҳидан қанча баланд?*
- *...Наҳотки у номсиз бўлса?*

«ГАЗЕТАНИНГ ҲАР СОНИНИ ЎҚИЙМАН»

Обуна—99

Мен журналистлардаги дадилликни яхши кўраман. Саксоничи йилларда миллатимиз бошига тушган қатағонда раҳбар сифатида ёвуз тузум қурбони бўлганман. Ғаллачилар мени, оилам, яқинларимни турли азобларга дучор қилиб, сўнгра узоқ муддатга ҳукм қилишган. Қамоқда ётган пайтимда «Тоҳир Жуманиёзов: «Пахта иши»нинг сўнгги қурбони. У авф этиладими?» сарлавҳали мақола ёритилган газетани менга олиб боришган. Мақолани ўқиб, кўзларимга ёш келди. Шу-шу ижодкор аҳлидан бир умр миннатдорман.

Истиқлолдан сўнг вақтли нашрлар кўпайди. Талаб ошди. Ҳукуматимиз соҳага катта эътибор бермоқда. Оламшумул қонунлар қабул қилинган. Агарда мустақилликнинг чин маъносидаги таъсири қайси газетада бор-бўйи билан сезилди деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан «Ўзбекистон овози» деб айтган бўлардим. Газетанинг ёритмаган мавзуси йўқ. Энг дадил чиқишлар, танқидий мақолаларда даврнинг биз илғаб-илғамаётган иллатлари фош қилинади.

Ўтган йили хўжалигимиз аъзоларидан кўпчилиги газетангизга обуна бўлган эди. Ўзим газетанинг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Бу йил ҳам биринчилардан бўлиб севимли нашримизга обунани бошлаб юбордик.

Мен деҳқон одамман. Пахта ташвиши, ғалла ташвиши, деҳқончилик ташвиши билан яшайман. Илтимосим, мухбирлар қишлоқ хўжалиги мавзуида, қишлоқдаги иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва унга тўсқинлик

қилаётган қусурлар ҳақида ҳам кўпроқ ёзишса...

Тоҳир ЖУМАНИЁЗОВ,
Ҳазорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси

Матбуот мухлиси

Неъмат ака асли ишчи оиласидан. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Касби эса муҳандис-қурувчи. Бир вақтлар Марказий Осиё шахталарини лойиҳалаш трестининг директори бўлиб ҳам ишлаган.

Ҳозирги пайтда у «Ўзоғирсаноат» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раисидир. Неъмат Ҳикматуллаев иштирокида Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Фарғона азотли ўғитлар заводи, Тошкент трактор ва мотор заводлари, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, чинни заводи ва бошқа корхоналар қурилган.

Неъмат ака Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи фахрий унвонига сазовор бўлган.

ЎзХДП аъзоси сифатида кўпгина хайрли ишларга ҳам бош-қош бўлмоқда. Айниқса «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларига обунани ташкил этишда астойдил жонкуярлик кўрсатиб келяпти. Бу йил ҳам жамоада унинг бошчилигида бир неча киши ана шу рўзномаларга обуна бўлишди.

— Севимли газеталаримиз кенг ўқувчилар оммасига ниҳоятда манзур, — дейди Неъмат Ҳикматуллаев. — Ходимларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаган раҳбар ўз жамоасида обуна ишларини ҳам ўрнак бўларли даражада ташкил этиши керак. Масалан, бизда шундай бўлмоқда. Кейинги йилларда деярли барча ходимларимиз уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар...

Ҳа, Неъмат ака ҳақ гапни айтдилар. У киши фақат жамоадагина эмас, туманимизда ҳам муносиб обрў-эътиборга сазовор инсондир.

Раъно САТТОРОВА,
Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек тумани Кенгашининг биринчи котиби

«Қучоқларингдан...»

❑ *Уни «Истиқлол чўққиси» дея номлашни таклиф этамиз.*

❑ *Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси... Қанийди, у ерда Давлат Байроғимиз ҳилпираб турса!*

«Ўзбекистон овози» экспедициясининг сафари

Ҳумоюн уни, ҳамроҳларини яхши кутиб олади. Совғалар беради.

Сейди Али Раис ўзининг «Мироътул мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») китобида «У ердан Чағониёнга, яъни Ҳисори Шодмонга келдик. Ўзбек султонларидан Темур султон номига қўйилган ерга келиб, сўнгра Сангардак тоғидан ошдик. Тоғдан ёмғир ёққандек сув томчилари тўхтовсиз томиб турарди. Тоғнинг этагида шу томчилардан бир катта сув ҳосил бўлган эди. У ерда хақ таолонинг қудратини томоша қилдик». («Мироътул мамолик», Тошкент. Фан», 1963, 97-бет).

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ

Сангардак шаршараси нега бу қадар ташландиқ? Ахир, бутун дунё сайёҳлари келиб томоша қиладиган, завқ-шавқ оладиган, ҳордиқ чиқарадиган масканга айлантириш мумкин-ку бу ерни. Наҳотки, шундай гўзал мўъжиза қаровсиз ва эгасиз бўлса?

Бу жойни вилоятдаги сайёҳлик ишлари билан шуғулланадиган ташкилотлар ўз ҳомийликларига олиб, янада гавжум, ҳатто даромад келтирадиган оромгоҳга айлантиришса бўлмайдими? Бўлади. Балки Республика «Ўзбектуризм» миллий компаниясидаги мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўришар? Амалий ишга киришилар? Шундай бўлса савоб бўлар эди.

Дунёга номи чиққан Ниагара шаршарасига етти иқлимдан сайёҳлар ёғилиб бориб тургани учун уни ҳамма билади. Ниагара туфайли бутун давлатнинг номини ҳам жаҳон билади. У давлат ғазнасига қанчаданқанча фойда келтиради. Сангардакни ҳам шундай жой қилиш мумкин эмас-му?!

Сангардакни нега кўплаб юртдошларимиз билишмайди. Ҳатто номини ҳам эшитишмаган. Ахир, ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан, унинг табиатини билишдан бошланмайдими?! Ватанни муқаддас билиб севишга сабаб бўладиган нарсалар кўп. Шулардан бири — унинг табиати. Табиатга муҳаббат — Ватанга муҳаббат!

Сангардакка ўхшаш табиатимиз мўъжизаларини ўрта мактабларнинг жуғрофия дарсликларига киритиш мумкин. Уларни ёш авлод билса, табиатимиз мўъжизалари билан ҳайратланса... Юртимизда Сангардакка ўхшаш мўъжизавий жойлар оз эмас-ку.

Туманлар орасидан оқариб кўринаётган олис-олис чўққилар қараганимиз сайин бизни ўзига қаттиқроқ тортаверади. Энг баланд чўққига етиш орзуси бизни бир дам бўлсин тарк этмайди. Бутун вужудимиз, ўй-хаёлимиз шу орзу билан банд. Энг баланд чўққилар эса ҳали олдинда!

Тоғ қушлари – тоғ боғбонлари

— Тоғ писталариям бир мўъжиза, кўп дардга даво. Хусусан, кўзни равшан қилади, юракка ҳам фойдаси бор, — дейди шу тоғларнинг «эгаси», боғбон Ўрозбой Мирзаев. — Айниқса, қадим-қадимдан жигар, ошқозон, ичак, камқонлик, ичбуруғ касалликлари ва турли яраларни даволашда ундан фойдаланишган. Унинг ёғочидан пишиқ ва чидамли қайиқлар ясашган. Шу пайтгача ҳайрон қолиб юрар эдим, тоғ чўққиларига бу писта дарахтларини ким эккан деб, қояларга қандай қилиб писта уруғлари «учиб» борди экан деб, сўнг эътибор қилсам, тоғ қушлари асли тоғ боғбонлари экан. Тоғда нима кўп — турли қушлар кўп. Какликлар, булбуллар, ёввойи каптарлар... Улар писта донасини тумшуғига олганча ковакларга қўйиб кетишади. Шу билан баъзи писта доналари шу ковакча, тешикчаларда қолиб кетади. Кўрибсизки, пистазорлар пайдо бўлади. Мана бу ёнғоқларнинг ёши нечада деб ўйлайсизлар?

Баланд тоғларга бўйлашгудек бу ёнғоқ дарахтларига қараб: юз йил бўлгандир-ов, деймиз.

— Э йўқ, бу ёнғоқлар уч юз ёшдан ошган бўлса ошган, лекин кам эмас. Мана, ёнғоғидан чақиб кўринглар, пўстлоғи юпқа, дарров чақилади. Мағзи эса бўлиқ. Тоғларимизда мағзи оқ-сариқ, қизғиш ва худди шундай пўстлоғи юмшоқ, қаттиқ ёнғоқлар кўп.

Тоғ ҳаёти — ўзгача ҳаёт. Унинг ўз қонун-қоидалари мавжуд. Тоғда юрмоқчи бўлган ҳар бир киши унга бўйсунишга мажбур. Акс ҳолда... Тоққа кўтарилган сайин юриш ҳам, нафас олиш ҳам оғирлашади. Энг баланд чўққига етиш муроди бизни ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишга ундайди. Чўққи ҳали ҳам кў-ўп олисда. Тоғлар салтанатининг буюк ва олиймақом тахтидай салобат ва сарватли кўринади.

Қирқиз афсонаси ёки 500 ёшли арчалар

Назар бобонинг гурунглари йўлнинг узоқлигию оғирлигини билдирмайди. 75 ёшли Назар бобонинг қадами тегмаган тоғлар, сўқмоқлар қолмаган. У машҳур «Дерсу Узала» фильмидаги Дерсуни эслатади. Назар бобонинг қиёфасиёқ унинг тоғ-тошларга жон-қони билан сингиб кетганлигини кўрсатиб турибди.

— Мана шу ўтирган жойимиз Қирқиз қояси бўлади, — дейди Назар бобо. — Бир замонлар ёвдан қочиб келиб шу тоғларда паноҳ топган қирқта малика, бир кечада тоғ бағрига сингиб кетган. Улар ўрнида эса қирқта кўркам арча ўсиб чиққан.

Арчалар... Арчалар жуда кўп. Аммо бир жойда тўп бўлиб ўсган тоғ бағридаги қирқ туп арча бир хил яшнаб, неча юз йилларки сирсиноат гувоҳи, сир-асрор рамзи бўлиб турибди.

— Бир йили қиш пайти эди. Сўқмоқда ўтириб, кўзим илинган экан. Анча ухлаб қолибман. Бир пайт кўзимни очиб қарасам, қаршимда иккита айиқ, — дея суҳбатни давом эттиради Назар бобо. — Бутун баданим музлаб кетди. Миямга келган фикр шу бўлди: айиқдан кўзимни узмай: «Кет, мен одамман», — дедим. Шу гапимни айтганим ҳамоно катта қўнғир айиқ орқасига бурилиб лўкиллаб кета бошлади. Иккинчиси ҳам бир муддат менга қараб важоҳат билан ириллаб турди-да, шартта орқасига бурилиб жўнаворди. Айтиб қўяй, одам учун ёввойи чўчқадан хавфлиси йўқ. Ёввойи чўчқа жуда хавфли. У бирдан одамга ҳужум қилиб қолиши мумкин. Бир гал шундай бўлганда, зўрға қутулиб қолганман.

Гурунглар... гурунглар... отлар ҳақида, овлар ҳақида, тоғлар ҳақида... Назар бобо берилиб, терлаб-пишиб сўзамоллик, ровийлик қилади. Йўл юраётганимиз тоҳ билинади, тоҳ билинмайди. Яқинлашганимиз сари чўққи ўз сеҳру жозибаси билан диллару ақлларни кўпроқ ром этади. Ўзига қаттиқроқ тортади гўё. Ҳамон олисда Чўққи!

Осмонталаш, Ҳўжапирях ва Истиқлол чўққилари

Тоғларда қалбни йиғлатгудек улуғлик ва сулувлик ҳукмрон!

Денгиз сатҳидан 4200 метр баландда, Осмонталаш чўққисидамиз. Ёнимиздан оғир булутлар шовуллаб сузиб ўтади. Узоқ-узоқларга қараймиз. Чўққилар салтанати — заминнинг тахти, тоғларнинг тожи! Ватанимиз чўққилар тимсолида юксалиб бораверади. Ўзбекистон чиндан ҳам нақадар улуғ, бепоён диёр! Унинг чегараларини хаёлда бирдан тикласангиз, қамраб олишга ҳатто хаёл қуввати ҳам етмайди. Юрагимиз ўз-ўзидан тўлиб-тошиб бормоқда. Кўксимиз фахр-ифтихорга тўла! Ич-ичимиздан бир ҳайқириқ отилади: «Ўзбекистон — бахтга ёр диёр!» Шу муқаддас ерларда Истиқлолимизнинг бўй-басти ҳам ушбу чўққилардек юксалажак, Истиқлолимиз ҳам ушбу чўққилардек коинот маъвосида абадиян қолажак, бутун дунё ушбу чўққиларга ҳавас билан қараган каби Ўзбекистонга ҳам бутун жаҳон ҳавас билан қараяжак, дея иймон келтирамиз!

Бу ерда бир-бирига яқин уч юксак чўққи бор. Осмонталаш, Ҳўжапирях ва номсиз чўққи. Ҳўжапирях ва номсиз чўққи мангу музликлар исканжасида узоқдан ярқираб кўринади. Туманлар қоплаб олган. Тоғлар, қирлар биздан пастда, бир неча баробар кичрайган шаклда кўзга ташланади.

Бизга совуқ билинмасди. Ўзбекистоннинг энг баланд чўққилари билан ёнма-ён турганлигимиздан ғурурга тўла юрагимиз гўё мангу музликлар муҳитини иситиб турибди. Қўл чўзсангиз — осмонга етгудек. Бу чўққиларни сахий табиат ижодининг энг нодир асарлари дейиш мумкин. Энг баланд — номсиз чўққи ўзига қанчалик чорламасин, унга яқинроқ бориш жуда мушкул. Биз шу ерда бир нарсани аниқ ҳис этдик. Энг баланд чўққига чиқиш, унга етиш осон эмас. Чиқиш учун, керак бўлса, альпинистларга хос тайёргарлик, махсус ёрдамчи жиҳозлар зарур. Биз ана шу жиҳатларни назарда тутиб, уни забт этишни кейинги сафарга қолдирдик. Афсуски, бу галги орзуимиз яна орзулигича қолди. Лекин бизни ҳеч нарса ниятимиздан қайтаролмайди! Тоғларнинг ўз тортиши кучи бор. Бу қудратли куч. Тоғларга бир марта меҳри тушган одамни шу қудратли куч умрбод ўзига тортиб туради. Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси... Қанийди, у ерда Давлат Байроғимиз ҳилпираб турса!

Сафаримиз оддий саёҳат эмас. Ўлкамиз Ҳўжапирях ва номсиз чўққи мангу музликлар исканжасида узоқдан ярқираб кўринади. Туманлар қоплаб олган. Тоғлар, қирлар биздан пастда, бир неча баробар кичрайган шаклда кўзга ташланади.

Бизга совуқ билинмасди. Ўзбекистоннинг энг баланд чўққилари билан ёнма-ён турганлигимиздан ғурурга тўла юрагимиз гўё мангу музликлар муҳитини иситиб турибди. Қўл чўзсангиз — осмонга етгудек. Бу чўққиларни сахий табиат ижодининг энг нодир асарлари дейиш мумкин. Энг баланд — табиатининг нақадар бойлиги, ранг-баранглигини кўришни, ундаги ўзгариш ва жараёнларни кузатишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйгандик. Табиат — инсоният бешиги. Бу бешикда ватанлар, халқлар улғаяди. Миллатимиз юртимиз табиати — ўз бешигида дунёни таниди, ўзини дунёга танитди. Бу табиатни кўриш, билиш — уни севмоқ, севмоқ эса — унинг учун фидоликдир! Зеро, ватанпарварликнинг моҳияти ана шунда.

Чўққилар — сакраб чопаётган олқорни эслатади.

Чўққилар — яшиндек ярақлайди!

Ер юзининг энг баланд нуқталаридан бири бўлган номсиз чўққи мустақил Ватанимизнинг истиқболдаги юксалишлари рамзи. Юксак чўққилар камдан-кам мамлакатлар тақдирига битилган. Шу қутлуғ тақдир раво кўрилган юртимизнинг қадди-басти ҳам, иқболи ҳам шу чўққи монанд юксак бўлгай, иншооллоҳ!

Биз яхши ният билан номсиз чўққига ўзимизча **ИСТИҚЛОЛ** дея ном бердик. **ИСТИҚЛОЛ ЧЎҚҚИСИ**! (Чўққи шундай номланишини таклиф қиламиз). Иншооллоҳ, Истиқлолимиз шу чўққи сингари юксакдан-да юксак ва абадий бўлгай!



Сирлашув

Азим СУЮН,
Салим АШУР
Тошкент — Сариосиё — Тошкент

Жазо чоралари бекор қилинмади

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ливияга қарши эълон қилган жазо чораларини бекор қилмаслигини билдирди. Мазкур масала юзасидан Хавфсизлик Кенгашида ўтказилган мажлисда Ливия ҳукумати Шотландияда йўловчи самолётни портлатганликда айбланган шахсларни судга берсагина жазо чоралари бекор қилинажаги айтилди.

Маълумки, бир неча йиллар илгари Шотландиянинг Локерб шаҳрида «Пан-Ам» ҳаво йўллари компаниясининг самолёти портлаб кетган эди. Натижада 270 йўловчи ҳалок бўлган. АҚШ ва Буюк Британия ҳукумати бу жиноятда ливиялик икки нафар шахснинг қўли борлигини айтиб, мазкур мамлакат ҳукуматидан жиноятчиларни халқаро судга беришни талаб қилган эди. Лекин Ливия ҳукумати уларни судга беришдан бош тортиб келаётир. Шундан сўнг БМТ Ливияга жазо чораларини эълон қилган эди.

Давлатларда пул қадрсизланиши

Европа статистика бошқармаси минтақа мамлакатларида пул қадрсизланиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилди. Унда айтилишича, дунёнинг айрим давлатларида молиявий бўҳрон давом этаётган бир пайтда, Европа мамлакатларида пул қадрсизланиши меъёрида сақланган.

Жумладан, минтақанинг 11 мамлакатида пул қадрсизланиши жорий йилнинг август ойида 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, сентябрда бу рақам 1 фоизга тушган. 1997 йилда эса мазкур мамлакатларда бу кўрсаткич 1,8 фоизга етган эди. Пулнинг энг юқори қадрсизланиши Греция (5,0), Ирландия (2,8) ва Португалияда (2,2) қайд этилган. Энг паст кўрсаткич эса Швеция (0,1), Франция (0,5) ҳамда Германия ва Австрияда (0,6) кузатилган.

Шунингдек, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг АҚШ билан товар айирбошлаш ҳажми сўнгги олти ойда 16 фоизга ошган бўлса, бу кўрсаткич Осиё мамлакатларига нисбатан бир неча фоизга қисқарган.

Бир кам дунё

Ўзга юрак — одатми?

Инсон танаси аъзоларини кўчириб ўтказиш жараёни кўпгина мамлакатларда одат тусига кириб қолди. Масалан, Германияда фақат ўтган йилнинг ўзидагина 3500 га яқин юрак, ўпка, жигар ва буйрак бошқа одамга кўчириб ўтказилган.

Шу муносабат билан тиббиёт ходимлари олдида бошқа бир масала кўндаланг бўлиб қолди. Муваффаққиятли кўчириб ўтказилган инсон танаси аъзолари меъёрида ишлаб кетгач, бу инсоннинг ўзи ўрганган одатлари ҳам ўзгара бошлаган...

Нью-Йорк рақс ўқитувчиларидан бири билан шундай ҳол содир бўлди. Унга бировнинг юраги кўчириб ўтказилганидан кейин унинг барча дид ва одату интилишлари ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган.

Бу аёл ҳатто «Ўзга юрак мени қандай ўзгартирди» мавзуида китоб ҳам ёзди. Сильвия хоним бутун умр жуда қаттиқ парҳез сақлаб келган экан. Бошқанинг юраги ўтказилгандан сўнг у пивога шунчалик муккасидан кетибдики, ўзи ҳам ҳайрон бўлиб қолибди. Бу ҳам майлия, қовурма жўжа ва умуман ёшлар овқатига жуда ўч бўлиб кетган. Ҳолбуки, унинг бундай нарсалардан авваллари кўнгли айнир эди.

Буниси ҳали ҳолва экан. У «ишқ-муҳаббат» касалига мубтало бўлган. Аёл унчамунча жононларнинг оғзини ланг очиб қўйди. Хуллас, ўқитувчи хонимнинг сабр косаси тўлиб кетган. Табибдан сўраб аниқласа, унга мотоциклда ҳалокатга учраган 18 яшар йигитнинг юраги берилган экан. Сильвия Клейр шуни аниқ ишонч билан кўрсатиб ўтганки, тиббиёт ходимлари бу масалада, яъни шахс сифатларини сақлаб қолиш масаласида жиддий ўйлаб кўришлари керак. Негаки, донор қони ёки органини олган жуда кўплаб мижозлар ўз шахсини йўқотиб қўймоқдалар.

Шу маънода машҳур немис сиёсатдони Оскар Лафонтен билан бўлиб ўтган ҳодиса анча «намуналидир». Унга 1990 йил 25 апрель куни пичоқ урилган. Бу суиқасддан кейин эсономон тузалиб чиққан Лафонтен шуни ғоят таажжуб билан ҳикоя қилиб берадики, у сигарет чекишга муккасидан кетган, ҳолбуки унга суиқасд қилинмасдан олдин умрида бирон маротаба ҳам чекмаган экан.

Даволовчи табиблар шу муносабат билан унга суиқасддан сўнг уч литр консерваланган қон қуйишганидан кейин қон билан бирга никотин ҳам «аралашиб кетган», негаки, кўпгина донорлар кашандалар эди, деган тахминни айтишган. Аммо, сиёсатдон учун ўзига маълум бўлмаган бу ахмоқона одатга қарши қаттиқ курашишга тўғри келган...

Бошқаларнинг тана аъзоларини олган кишиларнинг шахсиятлари ўзгариши сабабларини тушунтириш ва уларни ўрганишга бағишланган илмий-тиббий тадқиқотлар шу пайтгача ҳали маълум эмас. Чамаси, олимлар ўз ҳамкасбларининг руҳларини тушириб юборишларини исташмаяпти, чоғи. Шунинг учун ҳам бундай муаммолар мавжуд эмас, деб ўзларини овутмоқдалар.

Аммо, ўзгаларнинг тана аъзоларини олган мижозлар ёлғизликда ўзгаларнинг ҳиссиётлари билан яшаб, умрларини хавотирда ўтказишга маҳкум бўлмоқдалар.

Ҳамид ИКРОМОВ тайёрлади

Бомба гараждан топилди

Чилидаги Буюк Британия дипломатлари элчихона биносида бомба портлаши мумкинлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, иккинчи маротаба ўз иш жойларини тарк этишга мажбур бўлди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Маълумотларга қараганда, номаълум шахс дипломатларга телефон орқали элчихона биносида бомба борлигини маълум қилган. Орадан кўп вақт ўтмай Чили полицияси махсус хизмати вакиллари бу ерга етиб келди ва бинони текширувдан ўтказди. Натижада элчихона гаражидан қўлда ясалган портлаш мосламаси топилган.

Лондонда Чилининг собиқ диктатори Пиночет ҳибсга олингандан кейин бундай воқеа Сантягода иккинчи бор такрорланмоқда.

Феъл-атворимиз нималарга боғлиқ?

Маълум бўлишича, инсоннинг феъл-атвори кўп жиҳатдан ундаги қон гуруҳи қандайлигига боғлиқ экан. Яхши биламизки, тўртта қон гуруҳи бор: А, В, АВ ва 0 гуруҳи. Япон олимларининг фикрича, қон гуруҳи инсоннинг тақдирини олдиндан белгилаш омили бўлмаса-да, айни пайтда унинг соғлиғига яхшигина таъсир кўрсатар экан.

Масалан, қони А (II) гуруҳли кишилар замонавий тараққиёт касалликларига мойилроқ бўларкан. Булар қандай касалликлар дейсизми? Миокард инфаркти, атеросклероз, диабет, ҳар хил шишлар, тош пайдо бўлиш касалликларидир.

О (I) гуруҳдаги кишилар эса соғлом ҳисобланишар экан. Улар фақат ошқозон ва 12 бармоқли ичак касалликлари билан оғришар экан, холос. В (III) гуруҳидагилар эса А билан О ўртасида саналади. АВ гуруҳидагилар эса мураккаброқ қон таркиби бўлгани учун уларни таҳлил этиш қийинроқ кечар экан. Шуниси қизиқки, О гуруҳидагилар зуваласи пишиқ, бошқаларга қараганда соғломроқ ва узоқ яшайдиган кишилар бўлиб чиқди.

Париж руҳшуноси Жан Батист Делакор фикрича, қон гуруҳи инсоннинг асосий феъл-атворларига таъсир қилади. А гуруҳидагилар изланувчан, тиришқоқ, софдил, ўз вазифаларини пишиқ-пухта бажарадиган бўлишади. Улар хизмат пиллапояларидан тезроқ кўтариладилар. Улар учун бошқа нарсалар иккинчи даражали ҳисобланади. Улар дўстларига садоқатли, севувчи, қадрдон бўладилар.

В гуруҳидагилар эса таъсирчанроқ кишилар бўлиб, нозиктаъб, қобилиятлидирлар. Ҳамкасблари ва дўстлари ишончини қозона оладилар. Ишда эса ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам қаттиқ талабчандирлар.

АВ (IV) гуруҳидагилар ўзини тўла «ҳиссиёт тўлқинига» ташлаган кишилардир. Уларда айтиш мумкинки, «иккита қалб» яшайди. Аммо, бу «икки қалб» бир-бири билан уйғунлашган дейиш мумкин, улар кучли эҳтирос кишиларидир. Гоҳида бу қалб изтиробларига олиб келади, уларни ҳар хил шубҳа, фикр ва мулоҳазалар қийнайди.

О гуруҳидагилар ҳар доим ҳаракатда бўлган кишилардир. Улар жуда ғайратли, ишчан, иродали, бошқаларнинг қўлларидан келмайдиган ишларнинг ҳам уддасидан чиқа оладиган, мулоқотни йўлга қўя биладиган кишилардир.

Сохта шаҳобча фош этилди

Германия полицияси МДҲ мамлакатлари муҳожирларини ноқонуний равишда ГФР ҳудудига ўтказиш билан шуғулланаётган жиноий гуруҳни фош қилди.

Айнан шу мақсадда Германиянинг бир неча шаҳарларида ўтказилган тадбирлар натижасидан маълум бўлдики, жиноятчилар Германиядаги МДҲ мамлакатларининг айрим сайёҳлик хизмати шаҳобчаларида фаолият кўрсатар экан. Улар Германияга кириш учун ажнабийларга 100-300 АҚШ доллари ҳисобига сохта виза тўғрилаб берар экан. Жиноятчилар кейинги олти ой ичида 500 га яқин киши шундай ҳужжат тўғрилаб берган аниқланди.

Иш ва қалам ҳақи ошган

АҚШда жорий йилда иш ва қалам ҳақи ўртача 3,7 фоизга ошган. Бу мамлакатда кейинги олти йилдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Лекин айрим америкалик мутахассислар бу ижобий кўрсаткич вақтинчалик эканлигини, халқаро молиявий бўҳрон тез орада бунга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигини айтмоқда.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 3 noyabr, seshanba № 131 (23.368).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Марра яқинида

Яна бир тур ўйинларидан кейин мамлакат миллий футбол чемпионати якунланади. Аммо, ҳалигача совриндорлару ғолибликка даъвогарлар ўртасида қизғин баҳс давом этаётир. Ваҳоланки, бундай пайтларда чемпион номига сазовор бўлган жамоа муддатидан аввал шарафланарди. Хусусан, 29-турда кўпдан бери биринчи ўринга даъвогар бўлиб турган «Нефтчи» футболчиларини «Сўғдиёна» майдонида дуранг (1:1) ўйнаши ҳам мухлисларни ҳайратга солди. Аксига олиб, «Пахтакор» навбатдаги учрашувни «Темирйўлчи» билан сафарда кеча ўтказди. Зеро, пахтакорчиларда 69 та, «Нефтчи» тўплаган очколар 66 та бўлди. «Хоразм» — «Дўстлик» учрашуви ҳам кеча бўлиб ўтди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Косонсой» — «Навбаҳор» — 0:2, «Зарафшон» — МҲСК — 4:2, «Сурхон» — «Трактор» — 2:0, «Металлург» — «Насаф» — 1:0, «Бухоро» — «Андижон» — 6:1. Якунловчи турда пахтакорчиларнинг «Навбаҳор» жамоаси билан бўладиган учрашувига мухлислар қизиқмоқдалар.

«Интилиш»да гап кўп

Спорт

Навоий вилоятида жисмоний тарбия ва спортга алоҳида ғамхўрлик бор. Бултур вилоят ҳокими Ҳаёт Ғаффоров аҳоли ўртасида соғлом турмушни шакллантириш, бўш вақтни мароқли ва мазмунли ўтказиш ниятида «Интилиш» спартакиадасини уюштириш бўйича ташаббус кўрсатган эди. Бу мусобақаларни спортнинг енгил атлетика, футбол, волейбол, теннис, арқон тортиш, сузиш, мерганлик турлари бўйича ўтказиш кўзда тутилган. Вилоятдаги барча ташкилотлар, ўрта ва олий ўқув юрти раҳбарларига спартакиадани ўтказиш учун шароитлар яратиш бўйича кўрсатма берилган.

— Қизиғи шундаки, — дейди вилоят физкультура ва спорт қўмитаси раиси Ибодулла Раҳмонов, — мусобақада барча идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам қатнашадилар. Футбол мусобақалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Баҳсларда яхши тайёргарлик кўрган вилоят МҲҚ ташкилоти жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Келажакда мусобақа дастурини янада кенгайтириб, чавандозлик баҳсларини ҳам уюштириш кўзда тутилган.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Субҳидамда йўл бўлсин, ога?

Дам олиш куни эди. У кишини эрта тонгда, яъни бомдод намозидан қайтаётганларида учратиб қолдим. Салом-аликдан сўнг Убайдулло ака ўз ташвишларини изҳор этиб қолдилар:

— Сомон оладиган одам топишим керак. Мабодо шундай танишлар йўқми?

Рости, ҳайрон бўлдим. У кишини оз-моз билганим учун:

— Ортиқча сомонингиз йўқ эдику, тинчликми? — сўрадим мен.

— Менда сомон нима қилсин, ука. Бир бечора одамга пул зарур бўлиб қолибди. Шу илтимос қилувди. Қаердан харидор топсам экан, дея ўйланиб турибман.

— У киши танишингиз бўлсалар керакда?

— Қаёқда дейсиз. Бундан чамаси 4-5 ой олдин бир кампир шифохонамизда даволанган эди. Рости, биринчи кўришим эди, исмини ҳам яхши билмайман. Кеча ишдан қайтаётсам, шифохонамиз дарвозаси олдида турибди.

— Яхши чиқиб қолдингиз, сизни кутаётган эдим, — деб қолди халиги онахон салом-аликдан сўнг. Кейин эса кўнгли тўлиб, кўзёши қила кетди:

—Чолим ўлиб қолди, Убайдуллажон ука... Кўргилик экан, анча азият чекдик. Майли, тақдир дедик, Яратганга шукр келтирдик. Орадан кўп ўтмай кунимизга яраб турган бир молимиз бор эди. У ҳам ўлиб қолди. Бу ҳам етмагандай йўлни кенгайтиришаётган экан, уйимизнинг ярмисини бузишга тушяпти. Кўрмайсизми, палакатнинг қачон кети узилар экан дея нола қилиб ўтирибман, ука.

Рости, даб-дурустдан шунча воқеаларни эшитгач, нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Нари-бери гаплар билан аёлни тинчлантиргандай бўлдим. Кейин онахон муддаосига ўтди:

— Мол боқамизми, деб кузда икки минг сўмлик сомон олган эдим. Энди бизга у нимага ҳам керак бўларди. Жуда пулдан зорикдим, Убайдуллажон ука. Шу сомонимга бирор харидор йўқмикан? Ярим нархини берса ҳам майли эди. Энди айбга буюрмайсиз, негадир кўнглим сизга тортди ука. Иложини топсангиз ёрдам қилинг, худо хайрингизни берсин, деб қолди бечора кампир.

Йўқ дея олмадим. Бугун қандай қилиб бўлса ҳам кампирнинг ҳожатини чиқаришим керак. Эртага — иш, вақт бўлмай қолади, — дедиларда, хайрлашиб, йўлига шошилди. Мен эса кўнглим алланечук бўлиб у кишининг изидан қараб қолдим...

Убайдулло акани биринчи бор кўраётганим йўқ. Рости, танишганимизга ҳам анча бўлиб қолди. Лекин у кишини билибманки, бўлганлари — шу, қачон қараманг кўни-кўшни, таниш-билиш, бева-бечораларнинг ташвишида-ю, ҳожатларини чиқариш йўлида қуйиб-пишиб юрганларини кўраман. Баъзан эса рости

Орамиздаги одамлар

ўзимча, бу одамни бундай ишлардан эринмаганига балли-е, деб ҳам кўяман.

Инсонлар бор — ундайларни одамнинг жон-дили, дейишади. Лекин Убайдулла Аввалбоевни бутун маҳалланинг жон-дили деса арзийди. Чунки у кишини икки кўшни маҳалла — «Янги ҳаёт» ва «Аҳиллик»да танимаган ва чин қалбдан қадрламаган одамлар кам топилса керак.

Бундай машҳурликнинг боиси эса жуда оддий: энг аввало одамийлиги, ҳожатбарорлиги, сахийлиги, қалбининг оддий инсонларга, уларнинг ғам ва ташвишларга яқинлигидадир.

Убайдулло ака асли шифокор, ўз жамоасининг ҳақиқий жонкуярларидан бўлса, маҳалла-кўйи, оиласида эса ҳақиқий дўст, меҳрибон ота, садоқатли инсон.

Рости, ҳаётда баъзан шундай бўлади. Баъзи одамлар билан бир кўча ёки битта кўпқаватли уйда умрбод бирга истиқомат қиласан. Ҳар куни бўлмасада, кунора учрашиб, салом-алик ҳам қилиб турасан. Бироқ, шу одамни яхши биласизми, деган саволга келганда нима дейишингни ҳам билмай қоласан киши. Чунки ундай кишиларга бирор маротаба сирингни айтган эмассан ёки унинг иztиробли дарди ёки қалб сўзларини тингламаган бўласан. Хизмат ёки бирор зарурат юзасидан ҳамда эҳтиёж юзасидан мурожаат қилишга ҳам тортинасан.

Убайдулла ака сингари одамларга эса бошингга бирор иш ёки ташвиш тушиб қолгудек бўлса, ҳеч иккиланиб ўтирмай унинг ҳузурига ошиқасан, ўз туғишган оғаинингга айта олмаган гапларинг, сиринг, дард ва ҳасратларингни бемалол айта оласан киши. Бу чиндан ҳам ажойиб нарса, шундай эмасми?

Ёки шундай хонадонлар бўладики, остонасидан ичкарига бир қадам босишга тортинасан, ҳаддинг сиғмайди. Бирор зарур гапинг бўлса, хонадон соҳибига кўчада туриб айтасану, сўнг ичкари ҳатламай изингга қайтасан. Бу инсон уйининг дарвозаси эса ҳамиша очиқ. Шунинг учун ҳам бу хонадондан деярли одамлар қадами узилмайди. Хонадон соҳиблари одам танламайдилар, сен унақа — бу бунақа, демайдилар. Халқ ибораси билан айтганда, улар учун шоҳ ҳам бир, гадо ҳам.

Убайдулло аканинг турмуш ўртоғи Шаҳри опа ҳам ажойиб инсонлардан. Босиқ, камгап, вазмин аёл. Ҳар қандай гапларга, енгил-елпи ишларга аралашиб кетавермайди. Шаҳри опани ҳар йили «гапга кўшамиз» дея талашадиганлар кўп бўлади. Лекин опа бу каби «гапчи» гуруҳларнинг биронтасига ҳам кўшилмайдилар. Опа, нега шундай қиласиз? Ахир дам оласиз, гаплашиб ўтириб кўнглингизни ёзасиз, деганларга: «Кўйинглар, аёллар ўзлари билиб-билмай гийбатни кўп қилишади, беҳуда ўтиришларга асло тоқатим йўқ» деб кўя қоладилар. Лекин эл-юртнинг тўй-маъракаларидан сира ҳам қолмайдилар. Оллоҳ ҳудди уларни бир-бирига мос яратгандек. Икковлари бир-бирларини тўлдириб тургандек бўладилар. Бу эса хонадон обрўйи бўлиб, қадрини янада юқори кўтаради албатта.

Бу хонадонда ўсаётган фарзандлар ҳам ҳавас қилса арзигулик. Оила тўнғичи Улуғбек иқтисодчи. Онаси каби вазмин, отаси каби дилкаш ва меҳрибон. У ҳам ҳеч қачон бировлар хизматидан ўзини четга олмайди. Қизлари Нодира тарбиячи, Назира эса ота касби — шифокорликни танлаган. Кенжатой Насибанинг одобини ҳам кўни-кўшнилар ўзгаларга ўрнак қилишади. Хуллас, шу каби хонадонлар бор бўлсин, дегинг келади. Юртимиз шу каби оилалар, инсонлар билан юзли, обрўлида, шундай эмасми?

Абдужалил УМАРОВ,
Гулистон шаҳри.

Фасл — кўнгил мулки

«Куз — сочини ёйга-ан қизалоқ»

Куз — тилларанг япроқлар, ўт-ўланлар билан тиллашадиган фасл. Довдарахтлар узоқ йўл босиб ҳориган сайёҳдек ҳорғинлашади. Атроф ажиб эврилишни кутаётгандек сокин ва фикрсиз. Тагбарглари сарғая бошлаган майсалар кушандасидан ўзини асраётгандек қобиғи ичига яширинган. Аслида шундайми?

Балки... келинлик тўйига бисотини сеп қилиб, ошиғига кўз-кўз қилаётган бўйқиздир — куз? Қуёш кўз ёшига чўмилган тилларанг сочлари лов-лов ёнади. Ўзидан ранг таратади. Оёғингизга занжир бўлиб боғланади — эътиборсиз ўтолмайсиз. Сиз кузги гулларни, эндигина барқ уриб очилган гулларни кузатганмисиз? Уларда бўлиқлик, етуклик мавжуд. Тажрибасиз маликадан тажрибали уй хизматкорининг обрўси баланд бўлганидек, куз — балоғатга етганликнинг камолот меваси. Куз келини — мезон. Унинг оппоқ ҳарир рўмолидан учган ипларнинг таманноси ўзгача. Уни сокин кузатинг, кўнглингиз тўлишади. Мабода қўполлик қилиб эзғилаб қўйсангиз, сўроқсиз ўпич орти тарсаки тушган каби, қўлингизда қоп-қора доғ қолади. Сиз кузаки ўт-ўланлардан таралаётган насимни ҳидлаб кўрганмисиз? У кишини маст қилмайди, кўнгилда беҳузурлик уйғотмайди. Чунки, куз фаслида фикр йўқ. Фикр уйғотади холос, ҳаёт ҳақида, яъни ҳар ўтган дақиқага мазмун бағишлайди. Беихтиёр сочларингизга оралаётган оқ ёдга тушади. Куз — балоғат фасли. У яралишнинг, ёшаришнинг бошланғич нуқтаси.

Сиз баҳорни яхши кўрасиз. Майсалар эндигина ниш отаётганда сиз гуллашини интиқ кутасиз. Умрнинг дақиқалари — вақт эса ўтаверади. Сезмайсиз. Барқ уриб очилганда мафтункорлик изҳор этай десангиз барг ташлаб қўяди. Алданасиз. Кўнглингиз ошуфта бўлган нарсадан ажралиш азоб. Дунё кўзингизга алдамчи бўлиб кўринади. Ёз эса куйган танингизга олов пуркайди. Ҳар лаҳзада чарчоқ сезасиз. Аслида, бу ёзнинг беўхшовлиги эмас, алданган кўнгилнинг ҳорғин кечинмалари. Биз фаслларни меҳнатга боғлаб таърифлашга ўргандик. Аммо кўнгил таърифини ёддан чиқаздик. Ахир фасллар кўнгил мулклари.

Қиш — ҳувиллаган кўнгил уйи. На деразаси, на эшиги бор. Елвизак макони. Кўнглингизни кўрпага буркайсиз, исимайди. Туну кун ухлайсиз чарчоғингиз ёзилмайди. Кимнидир кўргингиз келади. Ким у, билмайсиз. Китоб ўқишга тутинасиз. Хаёлингиз эса баҳор гулларини қўмсайверади. Хушбўй ҳиллар... Олис-олисда, адирлар бағрида, кўм-кўк майса устида сиз ва яна аллаким, ёввойи гуллар барқ очилган, жонли ва жонсиз гулларни бағрингизга тўйиб-тўйиб босгингиз келади. Аммо... бўм-бўш уй, ҳаводан бўлак ҳеч вақо йўқ.

Куз эса бутунлай бошқа. Борлиққа ўзлигини англатади. Ривоят қилишларича, Султонул Валад Бағдодга яқинлашганида, соқчи лашкар йўлини тўсади. Сарлашкар: Кимсизлар, қайдан келиб, қайга кетиб борасиз? — дейди. Шайхул Ориф: Ғойибдан келурмиз, ғойибга борурмиз! — дейди. Сарлашкар танийди, бу Султонул Валад, эҳтиром билан кузатиб қўяди Бағдоддан ўтгунча.

Куз кўнгилга яқин фасл. Сиз ариқларда оқаётган сувни кузатганмисиз? У ўта жимирлаб оқади. Этни жунжиктириб оқади. Чунки, ундаги шиддаткорлик ўрнида хотиржамлик, совуқ сокинлик кишини ўзидан қочиради. Нега? Борлиқдаги барча нарсада оний бирикма мавжуд. Тафовут эмас, ўхшашлик бор. Сув ҳам ўзининг сув эканлигини англаб етади бу фаслда. Куз — ўзликка интилиш. Ўзлик билан ғойибона суҳбат, қобиқни ёриб чиқиш фасли куз. Қаранг, Европа жанубида денгиз бор, океан билан қўшилиб туради. Бирида шўр сув, иккинчисида чучук, аммо чучук шўр ёки шўр чучук сувга айланмайди. Ахир улар елкама-елка — қўшилиб туради. Сувда ҳам онгга хос нимадир бор.

Кузда мия сокинлашганини кузатганмисиз? Ёзи билан кўчама-кўча юрадиганлар ҳам нимагадир кузда уйига интилади. Нега қаҳратон қишда кўйлакчан юрадиганлар кузда усти қалин бўлса-да, совуққотади? Ўйлаб кўрганмисиз? Осмонни ўрганувчилар буни юлдузларнинг бурж-лардаги жойлашувига боғлайди. Ростмикин? Фасллар алмашиши ернинг қуёш атрофида айланишига боғлиқлиги аён. Лекин юлдузлар... Юрак қон ишлаб чиқаради. Тоза қон аввал мияга боради. Миянинг сокинлашувига қондаги ҳарорат ҳам иш бажаради. Кўнгил халоват топганда юрак ҳам ўз-ўзидан майинлашади. Қондаги тезкорлик, шиддат ўрнини сокинлик эгаллайди. Бу инсоннинг ички ҳолати. Ташқи таъсир эса куз фасли. Дарахтлардаги улуғвор тундлик. Ўтлар юзига ёпишган чанг, ғубор, оёғингизга ўралашган тилла ранг сочлар, яъни хазонлар таъсири.

Кўнгил, ўзлигингга хуш келибсан! Ўзингни танияпсанми? Хазонга айланган тилло ранг баргларда дарахтларнинг умр йўллари битилган. Улар ҳеч нарса демаяптими? Бирор нарсани англатяптими? Ҳар тугул фикрладинг-ку! Ўзлигингга хуш келибсан, кўнгил!

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Рўзимуродов*

Исми *Ҳамро*

Отасининг исми _____

Қачон, қаерда туғилган *1898 йил Бухоро вил. Навоий тум. Келани қишлоғи*

Ҳозир қаерда яшайди *Навоий вил. Навбаҳор тум. «Истиқлол» ж/х*

Узоқ умр кўришнинг сири *Хушфеъллик, хотиржамлик* (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси *Оллоҳ томонидан берилган умрдан фақат яхшилик ишлари учун фойдаланиш.* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.



Куз — *Абдуғани ЖУМА олган сурат.*

«ОЛМОС» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

1998 йил 5 ноябрь соат 10.00 да жамият мажлислар залида (Усмон Носир, 1-тор кўчаси, 18-уй) акционерларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисини ўтказади.

КУН ТАРТИБИ:

- *«Олмос» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг таъсис ва бошқариш ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарорига асосан мувофиқлаштириш.*
- *Кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш.*
- *Акционерлик жамиятининг ижроия идораси раҳбарини қайта сайлаш.*
- *Акционерлик жамиятининг ижроия идораси раҳбарини ёллаш тўғрисидаги янги шартномани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.*
- *Бошқа масалалар.*

Акционерларни рўйхатга олиш 1998 йил 5 ноябрь куни соат 8.00 дан 10.00 гача акционерлик жамиятининг биносида ўтказилади.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига қарашли Тошкент чўтка ва картон ўқув маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати чекланмаган миқдорда сотади:

Ҳужжатлар тикиб кўйиладиган папкалар — 1 донасининг баҳоси 9 сўм 60 тийин.

Қоғозлар учун папкалар — 1 донасининг баҳоси 11 сўм 60 тийин.

Шунингдек, исталган шакл ва ўлчамдаги картон маҳсулотлари шартномавий нархларда тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Манзилгоҳ: Тошкент, Мунис кўчаси, 10. Мўлжал — «Кўйлиқ» бозори. Тел/факс: 90-86-37

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 1998 йил 24 сентябрда Нигора Маҳмудова номига берилган 1007513 рақамли патент йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда биология-тупроқшунослик факультети жамоаси тупроқшунослик кафедраси мудири профессор Л. Т. Турсуновга отаси **Турсун ота ҒАЙБИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталари жамоаси «Ўзбекистон овози» газетаси масъул котиб ўринбосари Шоҳайдар Мирҳабибовга волидаи меҳрибони **Азиза МИРҲАБИБОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Тўлқин ЭШБЕК*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматда, 20.025 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0484

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА